МЕХАНИЗАТОР ПАХТА ТЕРИМИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 186 (4645).

20 СЕНТЯБРЬ ЧОРШАНБА 1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

МАШИНАДА КИМ ҚАНЧА ПАХТА ТЕРДИ

Областимиз илғор механик хайдовчиларнинг 20 сентябргача терган пахтаси.

ҚАРШИБОЙ ХУДОЕРОВ. Ўрта Чирчиқ районидаги А. Икромов номли колхоздан. («Ўзбекистон») — 56 ТОННА.

ТОЖИ СОАТОВА. Ўрта Чирчиқ районидаги А. Икронов номли колхоздан. («Ўзбекистон») — 53 ТОННА.

СЕРВЕР УСЕЙНОВ. Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан. («Ўзбекистон») — 50 ТОННА.

ОЗОД АБДУСАМАТОВ. Ўрта Чирчиқ районидаги В. Терешкова номли колхоздан. («ХТ—1,2») — 48 ТОННА.

РАВШАН ЭШБОЕВ. Бекобод районидаги «Победа» колхозидан. (ХТ—1,2) — 42 ТОННА.

ХУДОЙҚУЛ МАҲСУМОВ. Пискент районидаги Калинин номли колхоздан. («Ўзбекистон») — 42 ТОННА.

ТУРСУНБОЙ ЮНУСОВ. Ўрта Чирчиқ районидаги В. Терешкова номли колхоздан. («Ўзбекистон») — 41 ТОННА.

ХАЛИЛ ПАРДАЕВ. Ўрта Чирчиқ районидаги А. Икромов номли колхоздан. («Ўзбекистон») — 40 ТОННА.

ОЧИЛ БЕРДИЕВ. Бекобод районидаги «Победа» колхозидан. (ХТ—1,2) — 34 ТОННА.

УСАН УСМОНОВ. Бекобод районидаги «Победа» колхозидан. (ХТ—1,2) — 34 ТОННА.

ИЎЛЧИ МУСТАФОЕВ. Пискент районидаги Калинин номли колхоздан. (ХТ—1,2) — 31 ТОННА.

АБДУВАЛИ ТУРСУНОВ. Бўка районидаги «Ленинизм» колхозидан. («Ўзбекистон») — 30 ТОННА.

ҚУЗИБОЙ МАМРАЕВ. Пискент районидаги Ленин номли колхоздан. («Ўзбекистон») — 30 ТОННА.

ЎРТА ЧИРЧИҚЛИКЛАР ОДИМИ

⊙ 18 сентябрь куни ўртачирчиқликлар 2,19 процент миқдорида пахта тайёрлаб, дадил олга бормоқдалар.

⊙ Шу райондаги Терешкова номли колхоз ўтган куни 4,52, «Партия XXII съезди» колхози 4,20 процент пахта тайёрладилар ва барча терим машиналарининг унумли ишлашига эришдилар.

⊙ Илғорлардан ўрнак олиб, барча колхоз ва совхозларда пахта йиғим-теримини тобора кучайтирайлик. «Зангори кема»лар тўхтовсиз ва унумли ишласин.



Бўка районидаги «Кўкорол» совхозининг азамат механизаторлари терим суръатини оширмоқдалар. Ҳар куни эл хирмонига юзлаб тонна дурдона тўкилмоқда. Суратда: (юқоридан пастга) совхознинг пешқадам механизатори Й. Мансуров. Машина терими пайти.

Н. Тўраев фотолари.

ТАБИАТ БОЙЛИКЛАРИНИ АСРАБ, КЎПАЙТИРАЙЛИК

САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ

Улуғ айём — ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги яқинлашиб келмоқда. Мамлакатимиз меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини, беш йилликнинг иккинчи йили программасини бажара бориб, шонли юбилейни коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги-янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар.

Саноат ходимлари, зарбдор қурилишларнинг коллективлари байрамолди социалистик мусобақасида меҳнат муваффақиятларига эришиб, Ватанни қувонтирмоқдалар. Қозоғистон, Олтой, Сибирда ғалла учун буюк жанг қизитиб юборилди. «Оқ олтин» терими ҳам қизиб бормоқда: Совет Иттифоқи пахтакор республикаларининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари бу йил Ватанга рекорд миқдорда — 7 миллион 135 минг тонна пахта беришга аҳд қилдилар.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари партия белгилаб берган улуғвор планларни бажара бориб, табиий ресурслардан йил сайин кенг ва тўлароқ фойдаланмоқдалар, бу ресурсларни коммунизм қуришдан иборат буюк ишга хизмат қилдирмоқдалар. Лекин бу бойликлар — халқнинг энг қимматбаҳо ана шу мулки чексиз эмас. Шу сабабли Совет Ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб Коммунистик партия, совет давлати табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида, унинг ресурсларини қайта тиклаш ҳақида, минерал бойликлардан тежаб-тергаб, рационал фойдаланиш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келдилар ва ғамхўрлик қилмоқдалар.

«Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш чораларини кўрган вақтда, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXIV съездида. — Бу нарса ҳаво ва сувни хатарли равишда бузиш, ерни унумсиз қилиб қўйиш манбаи бўлиб қолмасдан, балки табиий ресурсларга жон куйдириб қараш билан қўшиб олиб борилиши учун ҳамма ишни қилиш зарур. Партия янги корхоналарни лойиҳалаш ва қуриш ҳамда ишлаб турган корхоналар ишини яхшилашда табиатни муҳофаза қилишни назарда тутиб иш кўрмоқ учун план, хўжалик органларига ва лойиҳалаш ташкилотларига, ҳамма кадрларимизга талабчанликни оширади. Ватанимизнинг гўзал табиати берадиган ҳамма неъматлардан бизгина эмас, келажак авлодлар ҳам фойдалана оладиган бўлиши лозим».

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш тўғрисидаги масала саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг 19 сентябрь куни Кремлда очилган IV сессияси кун тартибига биринчи масала қилиб қўйилганлиги тамомила қонуниятлидир.

Эрталаб соат 10 да Иттифоқ Советининг мажлиси бошланди. Мажлис СССР Олий Совети палаталарининг Кремлдаги мажлислар залида Иттифоқ Советининг раиси депутат А. П. Шитиков раислигида ўтди.

Миллатлар Советининг мажлиси палаталарнинг мажлислар залида эрталаб соат 11 да бошланди. Мажлис Миллатлар Советининг раиси депутат **Ё. С. Насриддинова** раислигида ўтди.

Сессия қатнашчилари палаталарнинг мажлисларида сессиялар ўртасидаги даврда вафот этган депутатлар М. В. Захаров, А. Е. Корнейчук, Н. И. Крилов, Т. Я. Лаптандер, С. С. Маряхин, К. К. Николаев, К. А. Самедов, А. Н. Смирнов, И. И. Федунц, И. И. Чугунов хотирасини ўринларидан туриб ҳурмат билан эсга олдилар.

Палаталарнинг алоҳида-алоҳида ўтказилган мажлисларида СССР Олий Советининг янги сайланган депутатлари ваколатларини текшириш тўғрисида Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети мандат комиссияларининг докладлари тингланди.

Сессиянинг қуйидаги кун тартиби тасдиқланди:

1. Табиатни муҳофаза қилишни янада яхшилаш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш тадбирлари тўғрисида.
2. Меҳнаткашлар депутатлари Советлари депутатларининг статуси тўғрисида СССР қонуни лойиҳаси ҳақида.
3. СССР Олий Судини сайлаш.
4. СССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Сессиянинг иш тартиби ҳам тасдиқланди.

Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг биринчи қўшма мажлиси СССР Олий Советининг Катта Кремль саройидаги мажлислар залида бўлиб ўтди.

...Соат 12. **Л. И. Брежнев, В. В. Гришин, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, В. В. Шчербицкий, Ю. В. Андропов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев** ўртоқларни депутатлар ва меҳмонлар ўринларидан туриб гулдурос давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси депутат **Ё. С. Насриддинова** иккала палатанинг қўшма мажлисини очди.

Депутат **В. В. Шчербицкий**га сўз берилади. У Украина ССР дан сайланган депутатларнинг топшириғига биноан Украина ССР Олий Совети Президиумининг раиси депутат **И. С. Грушецкий**ни СССР Олий Совети Президиуми раисининг Украина ССР дан ўринбосари қилиб сайлашни таклиф этади.

Депутат А. П. Ляшко Украина ССР Министрлар Советининг Раиси ишига ўтганлиги муносабати билан у СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилинди.

Депутатлар бу таклифни бир овоздан қабул қилдилар.

Шундан кейин депутатлар кун тартибидаги биринчи масалани — табиатни муҳофаза қилишни янада яхшилаш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш тадбирлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилишга ўтдилар. СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари депутат **В. А. Кириллин** доклад қилди.

(Ўртоқ В. А. Кириллин доклади газетамизнинг 2-бетида босилмоқда).

ЎЗБЕКИСТОН БОҒБОНЛАРИ ВА ПОЛИЗКОРЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини бажара бориб, СССРнинг 50 йиллик тўйига катта меҳнат совғалари тайёрламоқдалар. Давлатга мева топшириш йиллик плани муддатидан илгари бажарилди. Республика боғбонлари давлатга ўтган йилнинг шу давригача тайёрланганидан 59 минг тонна кўп — 99 минг тонна мева топширдилар.

Айниқса планни 125 процент бажарган Андижон, 115 процент бажарган Самарқанд, 111 процент мева тайёрлаган Хоразм, планни 110 процент бажарган Сирдарё ва 105 процент бажарган Наманган областларининг боғбонлари катта ютуқларни қўлга киритдилар. Планни муддатидан илгари ошириб бажаришда давлатга 30 минг тоннадан ортиқ маҳсулот топширган Тошкент области хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлди.

Оржоникидзе, Самарқанд, Калинин, Хўжаобод, Юқори Чирчиқ, Булунғур, Бўстонлиқ, Избоскан, Киров, Пастдарғом, Сирдарё, Гулистон, Боёвут, Янгиер, Жиззах ва бошқа кўпгина районлар давлатга мева сотиш планини анча ошириб бажардилар. Калинин районидаги Оржоникидзе номли, Карл Маркс номли, «Ўзбекистон 40 йиллиги», Самарқанд районидаги Энгельс номли, «Зарафшон», «Ленин байроғи», «Победа», Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Киров номли колхозлар, «Партия XXI съезди», «Қибрай», «Қуйи Чирчиқ» совхозлари, Андижон областидаги Киров номли комбинат, Самарқанд областидаги «Ўзбекистон Компартияси 40 йиллиги» совхози ва бошқа кўп хўжаликлар мева тайёрлаш планини 150-200 процент адо этдилар.

Ўзбекистон полизкорлари ҳам катта меҳнат ютуқларига эришдилар. Бу соҳадаги план 106,8 процент бажарилди. Давлатга ўтган йилнинг шу давригача тайёрланганидан 16 минг тонна кўп — 288,5 минг тонна маҳсулот етказиб берилди.

Сирдарё области полизкорлари давлатга 120 минг тонна маҳсулот топшириб, планни 166,5 процент бажардилар. Полиз маҳсулотлари топшириш планини Бухоро области 128,5 процент, Сурхондарё области 125 процент, Наманган области 117,3 процент, Андижон области 113,4 процент бажардилар.

Полиз маҳсулотлари топшириш планини бажарилишига Янгийўл, Оққўрғон, Дўстлик, Пахтакор, Олтиариқ, Ленинград, Марҳамат, Пахтаобод ва бошқа районларнинг хўжаликлари катта ҳисса қўшдилар.

Мамлакатимизнинг саноат марказларига 18 сентябргача 28,6 минг тонна мева жўнатилиб, умумиттифоқ фондига маҳсулот етказиб бериш плани 143 процент адо этилди. Йиллик пландаги 180 минг тонна ўрнига 190,3 минг тонна полиз экинлари маҳсулотлари юборилди.

Мева ва полиз экинлари маҳсулотлари сотиш давом этмоқда.

СССРнинг олтин тўйи шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўзларининг бутун куч ва ғайратларини беш йилликнинг иккинчи йили планларини муваффақиятли бажаришга ва келгуси йилда бундан ҳам кўпроқ маҳсулот етиштириш учун пухта замин ҳозирлашга сарфламоқдалар.

ЮБИЛЕЙ ХИРМОНИГА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШ, МАШИНАДА ТЕРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 19 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун мавсум бошидан бери, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилгани, бешинчи устун — мавсум бошидан бери.

Ўрта Чирчиқ	2,19	11,34	2,49	10,04
Пискент	1,80	9,30	1,70	4,52
Бекобод	1,38	7,93	0,95	2,85
Бўка	1,45	7,25	1,26	3,30
Янгийўл	1,03	6,69	0,62	1,37
Оққўрғон	0,86	3,18	0,61	1,42
Юқори Чирчиқ	0,45	1,83	—	—
Область бўйича	1,32	6,83	1,14	3,58

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 18 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

Оққўрғон	91,8
Бўстонлиқ	89,4
Пискент	86,7
Бўка	84,4
Калинин	84,0
Янгийўл	81,5
Оҳангарон	77,9
Оржоникидзе	77,2
Ўрта Чирчиқ	68,2
Бекобод	67,8
Юқори Чирчиқ	67,8
Область бўйича	79,8

СОВЕТ—ИРОҚ МУЗОКОРАЛАРИ ТУГАЛЛАНДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин билан Араб Социалистик уйғониш партияси (БААС) регионал раҳбарлигининг бош секретари, Ироқ Республикаси революцион қўмондонлиги кенгашининг раиси ва республика президенти Аҳмад Ҳасан ал-Бакр ўртасида олиб борилган музокаралар 18 сентябрда Кремлда тугалланди.

Совет Иттифоқи билан Ироқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома асосида барча соҳаларда Совет-Ироқ муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида кўриб чиқилди. Ҳозирги халқаро вазиятнинг актуал проблемалари ҳам муҳокама қилинди.

Қўшма ахборот эълон қилиш тўғрисида келишиб олинди.

(ТАСС).

ПРЕЗИДЕНТ НОМИДАН НОНУШТА ЗИЁФАТ

Араб Социалистик уйғониш партияси (БААС) регионал раҳбарлиги бош секретари, Ироқ Республикаси революцион қўмондонлиги кенгашининг раиси, республика президенти Аҳмад Ҳасан ал-Бакр КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати шарафига нонушта зиёфат берди.

Зиёфатда Совет томонидан Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов ўртоқлар ва бошқа расмий кишилар бор эди.

Зиёфат чоғида Аҳмад Ҳасан ал-Бакр ва А. Н. Косигин дўстона қадаҳ кўтардилар. (ТАСС).

САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ВА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН РАЦИОНАЛ ФОЙДАЛАНИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари депутат В. А. КИРИЛЛИН докладининг баёни

Табиатни муҳофаза қилишни янада яхшилаш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш тўғрисида СССР Министрлар Совети томонидан СССР Олий Советининг ушбу сессияси муҳокамасига тақдим этилган масала жуда катта иқтисодий ва социал аҳамиятга эга бўлган масаладир, деди докладчи. Бу масала кейинги ўн йилликлар давомида айниқса муҳим ва ўткир бўлиб қолди.

Ҳаво ва сув ҳавзаларининг ифлосланаётганлиги, тупроқ эрозияси, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига етказилаётган зарар, ерлардан, нефть, газ ва қўмирдан, металл рудалари запасларидан ва бошқа табиий ресурслардан унчалик тежаб-тергаб фойдаланилмаётганлиги ҳамма мамлакатлар халқларини жуда ташвишга солмоқда.

Бундай ташвишланиш учун катта асослар борлигини айтиб ўтиш керак. Хом ашё материалларига бўлган эҳтиёж йил сайин ўсиб бормоқда. Шу билан бирга гарчи кўпгина табиий ресурслар жуда кўп бўлса ҳам, лекин асло чексиз эмас. Табиатни муҳофаза қилишга ва табиий ресурслардан рационал фойдаланишга етарли эътибор бермаслик инсонни қуршаб турган муҳитга катта зарар етказиши мумкин. Тоза чучук сувнинг етишмаслиги, ҳавонинг ифлосланаётганлиги, тупроқ эрозияси ҳозирги вақтга келиб, афсуски, реал факт бўлиб қолди.

Капиталистик мамлакатларнинг иқтисодий ривожи билан бирга улар табиий ресурслардан норационал, кўпинча эса ваҳшийона фойдаланаётганлиги айрим ресурсларнинг тугаб қолишига, муҳитда қўнгилсиз ва айрим ҳолларда, тузатиш қийин бўлган ўзгаришларга олиб бораётганлиги маълум.

Социалистик мамлакатларда экономикани ривожлантириш ишлаб чиқариш воситаларига ва табиий ресурсларга умумхалқ мулкчилигига, илмий асосланган планларга мувофиқ олиб борилаётганлиги сабабли бу мамлакатларда табиатни яхшироқ муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан самарали, комплекс фойдаланиш учун беқиёс катта имкониятлар бор. Лекин бу масалалар ҳозирги вақтда социалистик мамлакатлар учун ҳам ғоят муҳим бўлиб қолди.

Инсонни қуршаб турган муҳит масалалари Совет давлатининг дастлабки кунларидан бошлабоқ унинг диққат марказида турибди. Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш проблемасига жуда катта аҳамият берган эди.

Ленининг муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ҳамда табиат бойликларидан ҳозир ва келажакда бутун халққа энг кўп наф берадиган қилиб фойдаланиш ҳақидаги ғоялари КПСС сиёсатининг принципларида мужассамланди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети табиатни муҳофаза қилишга ва табиий ресурслардан рационал фойдаланишга ғоят катта эътибор бериб келмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети номидан партия XXIV съездида қилган ҳисобот докладида бундай деди:

«Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш чораларини кўрган вақтда бу нарса ҳаво ва сувни хатарли равишда бузиш, ерни унумсиз қилиб қўйиш манбаи бўлиб қолмасдан, балки табиий ресурсларга жон қуйдириб қараш билан қўшиб олиб борилиши учун ҳамма ишни қилиш зарур. Партия янги корхоналарни лойиҳалаш ва қуриш ҳамда ишлаб турган корхоналар ишини яхшилашда табиатни муҳофаза қилишни назарда тутиб иш кўрмоқ учун план, хўжалик органларига ва лойиҳалаш ташкилотларига, ҳамма кадрларимизга талабчанликни оширади. Ватанимизнинг гўзал табиати берадиган ҳамма неъматлардан бизгина эмас, келажак авлодлар ҳам фойдалана оладиган бўлишлари лозим. Биз табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан рационал фойдаланиш соҳасидаги коллектив халқаро тадбирларда қатнашишга ҳам тайёрмиз».

КПСС XXIV съезди қарорларига биноан СССР Министрлар Совети табиатни муҳофаза қилишни кучайтириш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланишни таъминлаш соҳасида зарур тадбирларни амалга оширган.

Сўнгги вақтларда мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилишни кучайтириш ва табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш борасидаги таклифларни тайёрлаш мақсадида катта иш қилинди. Бу ишга кўп мутахассислар ва олимлар жалб этилди.

Тез ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим масалалар орасида ҳаво ҳавзаси ифлосланишига йўл қўймасликни айтиш зарур. Ҳозирги вақтда планетамизнинг атмосферасига ҳар йили неча юз миллион тонна турли ифлослик чиқарилмоқда ва у кишиларнинг саломатлигига, ўсимлик, ҳайвонот ва микроорганизмларнинг ҳаёт фаолиятига салбий таъсир ўтказмоқда. Шуни айтиш лозимки, ифлос қилувчи моддалар ҳамма ташландиқларнинг ярмидан ошиғи транспорт билан стационар энергетика установкаларидан чиқаётир. Атмосферага ташландиқ чиқариш ҳажми муттасил кўпайиб бормоқда. Сўнгги ўн йил мобайнида у икки баравар кўпайди.

Кузатишлар атмосферадаги карбонат ангидрид доимо кўпайиб бораётганлигини кўрсатяпти. Кўпгина олимларнинг фикрича, бу нарса «парник эффекти» деб аталувчи ҳодиса оқибатида планетамизнинг температурасини ошириб юбориши ва бунинг натижасида музликларнинг эришига ҳамда бошқа нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин.

Сувни булғанишдан сақлаш масаласининг ҳам ғоят муҳим аҳамияти бор. Ҳатто дунёнинг сувга сероб кўпгина мамлакатлари ҳам бугунги кунда баъзи саноат районларида ва қишлоқ хўжалик районларида сув тақчилигини сезмоқда. Тоза чучук сув билан таъминлаш ва сувни булғанишдан сақлаш ҳақиқатда ҳам замонамизнинг энг зўр проблемаларидан бири ҳисобланади.

Саноат корхоналари, коммунал хўжалик ва қишлоқ хўжалиги тозаланмаган ёки етарлича тозаланмаган оқинди сувни ҳавзаларга ташлаши уларни ифлос қилувчи асосий сабаб бўлмоқда.

Ҳавзалардаги сувнинг айниши, кўкат босиши, сувда кислород етаётга камайиб кетиши ва ҳавзаларнинг биологик режими бузилиши етарлича тозаланмаган сув ташлаш ва сув омборларини норационал сақлаш оқибатларидан биридир.

Тоза чучук сув тақчиллиги шундай сув олиш янги манбаларининг кўпдан-кўп лойиҳаларини юзага келтирди: Арктика музларини шатакка олиб келтиришдан тортиб, атмосферадаги намликдан фойдаланишгача хилма-хил лойиҳалар ишлаб чиқилди. Аммо чучук сув янги запаслари ҳосил қилиш учун қандай методлар таклиф этилмасин, дарё ва кўлларнинг сувларидан рационал фойдаланиш проблемани ҳал этувчи асосий йўналиш бўлиб қолаверса керак,

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш тўғрисида гапирар эканмиз, денгиз ва океан сувларини булғатишга қарши курашнинг ҳам актуаллигини айтмасдан бўлмайди. Жаҳон океанини нефть, оғир металлар, хлорорганик бирикмалар, радийактив моддалар ва бошқа хил заҳарли моддалар билан булғатишдан муҳофаза қилиш проблемаси кўпгина мамлакатлар ва айниқса денгизга туташ ёки денгиз билан қуршалган давлатлар жамоатчилигини ҳаяжонга солмоқда.

Ишлаб чиқариш процесслари технологиясини такомиллаштириш ҳаво ҳавзасига, шунингдек сув ҳавзасига саноат зарарли ташландиқлари чиқарилишни қисқартиришда ғоят катта аҳамиятга эга. Бунинг натижасида зарарли ташландиқлар анча камаяди, баъзан эса тамомила йўқотилади. Шу билан бирга табиий ресурелардан янада самарали фойдаланишга ҳамда тозаловчи иншоотлар қуришга кетадиган ҳаражатларни қисқартиришга эришилади.

Шаҳарларни пухта ўйламай нотўғри қуриш ҳамда уларда аҳоли ва саноат корхоналари ҳаддан ташқари қалинлашиб кетиши натижасида вужудга келувчи номатлуб оқибатларни тутатиш муҳит проблемасининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Шаҳарларни режалашда муҳитни муҳофаза этиш талаблари, шаҳар ҳаёти, шу жумладан, квартира, уй, ҳовли, кўча ва район гигиеник нормаларини таъминлаш заруратини назарда тутиш масалалари янги шаҳарлар қуриш пайтидагина эмас, шу билан бирга мавжуд шаҳарларни реконструкция қилишда ҳам катта аҳамият касб этади. Шовқинни камайтиришнинг айниқса шаҳар аҳолиси ва корхоналарда ишлайдиганлар учун катта аҳамияти бор. Олимларнинг фикрича, шаҳарда шовқин баланд бўлса, кишиларнинг сиҳат-саломатлигига салбий таъсир қилади.

Ерни муҳофаза қилиш ва ундан рационал фойдаланиш муҳит проблемасининг жуда муҳим жиҳатларидан биридир. Заҳарли дориларни нотўғри ишлатиш натижасида зарарли ҳашарот ва кўкатлар билан бирга фойдали ҳашарот ва кўкатлар ҳам қириб юборилиши мумкин. Катта-катта территорияларни ишдан чиқарувчи шамол эрозияси ва сув эрозияси ҳозирги шароитлардаги муҳит проблемасининг муҳим томони ҳисобланади. Замонамизнинг энг катта кашфиётларидан — минерал ўғит ва заҳарли дорилар оқибатини яхши ўйлаб ишлатилмаса, ернинг унумдорлиги учун ҳамда планетамизда яшовчи ва унинг биосферасида нормал процесслари таъминловчи тирик организмлар учун жиддий хавф-хатарга айланиши мумкин.

Мавжуд ҳайвонот ва ўсимлик турларини сақлаш нуқтаи назаридан ҳам муҳит проблемаси тоят муҳим ҳисобланди. Ўйламай-нетмай иш кўриш оқибатида баъзи ҳайвон ва ўсимлик турлари ер юзидан йўқолиб кетганлиги маълум. Бу процесс ҳозирги вақтда ҳам давом этмоқда.

Ўрмонлар табиатнинг турли ресурслари ва табиий комплекслари орасида муҳим ўрин эгаллайди. Ўрмонлар сув билан сув баланси ва иқлимнинг қудратли табиий регулятори, кислород ҳосил этувчиси, ҳамда атмосферага чиқарилувчи саноатнинг зарарли ташландиқларини нейтраллаштирувчи, тупроқ эрозиясининг олдини олиб унинг унумдорлигини оширувчи муҳим воситадир. Ўрмон одам ҳаётини безайди, унинг хордиқ чиқариши ва даволаниши учун энг яхши шароит яратиб беради. Айни маҳалда хўжалик тўғри юритилса, ўрмон ёғоч, турли биноқорлик материаллари ва бошқа хил материаллар, целлюлоза, картон, қоғоз каби жуда муҳим маҳсулот бериб турувчи тугаш манба бўлиб қолиши мумкин ва керак.

Геологик табиий ресурслар: турли ёқилғи, биринчи навбатда нефть, газ ва қўмир, металл руда, химиявий табиий хомашё ва бошқалардан самарали, тежаб-тергаб фойдаланишнинг алоҳида катта аҳамияти бор.

Планетамизнинг геологик табиий ресурслари жуда каттадир. Аммо, шуни назарда тутмоқ керакки, биринчидан ана шу ресурларни амалда тиклаб бўлмайди, иккинчидан улар йилдан-йилга юксак суръатлар билан қазиб чиқарилмоқда. Масалан, 1970 йил бутун планетада етти миллиард тонна шартли ёқилғи (қўмир ,нефть ва газ) қазиб чиқарилган бўлса, таҳминий ҳисобларга кўра, 2000 йилда 25 миллиард тонна чамаси қазиб чиқарилади. Шунинг учун ҳам планетанинг геологик табиий ресурсларидан тежаб-тергаб рационал фойдаланиш ғоят катта аҳамиятга молик ишдир.

Совет иттифоқида ва бошқа социалистик мамлакатларда, деб давом қилди В. А. Кириллин, давлат табиат посбонлигида туради, давлат бутун халқ манфаатларини кўзлаб табиий ресурслардан фойдаланишни қонун билан чеклайди ва табиий ресурсларни муҳофаза этиш қоидаларини белгилайди. Ана шу мақсадлар учун катта-катта маблағлар ажратилмоқда.

Совет Иттифоқи атмосфера ҳавосидаги йўл қўйилиши мумкин бўлган зарарли моддалар концентрацияси чеки белгилаб қўйилган жаҳонда биринчи мамлакатдир. СССРда тозаловчи иншоотлари ҳали битмаган янги саноат объектларини ишга туширишга тақиқланган.

Докладчи сўнгги йилларда СССР Олий Совети мана шу проблемага доир масалалар хусусида қабул қилган энг муҳим қонунларни эслатиб ўтди. «ССР Иттифоқи ва Иттифоқдош республикаларнинг ер тўғрисидаги қонун асослари», «ССР Иттифоқи ва Иттифоқдош республикаларнинг сув тўғрисидаги қонун асослари» шулар жумласидандир Иттифоқдош республикаларда табиатни муҳофаза этиш қонунлари қабул қилинди.

КПСС Марказий Комитети ва Совет Иттифоқи ҳукумати одамни қуршаб турган муҳитни соғломлаштириш ҳамда табиий ресурсдан фойдаланишни яхшилашга қаратилган бир қанча қарорлар қабул қилдилар. Каспий денгизини булғатишнинг олдини олиш чоралари тўғрисида, Байкал кўли бойликларидан рационал фойдаланиш ва уларни сақлаш тўғрисида, Волга ва Урал дарёлари ҳавзаларини булғатишга йўл қўймаслик тўғрисида ва бошқа қарорлар қабул қилинди.

Мана шу қарорларда кўзда тутилган ишлар кўлами жуда катта. 1980 йилгача Волга ва Урал дарёлари ҳавзасида жойлашган ҳамма шаҳарда тозаланмаган ва етарлича тозаланмаган хўжалик ва маиший оқинди сувларини дарёга оқизишни тамомила тўхтатиш белгиланди.

Байкал кўлининг ноёб табиий бойликларини сақлашга катта эътибор берилади. Байкал целлюлоза заводи оқинди сувидаги ифлословчи моддалар концентрациясини камайтиришга қаратилган муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Селенга дарёсини булғатиш камайтирилмоқда. Байкал кўлига қуйилувчи қарийб ҳамма дарёларда ёғочларни доналаб оқизиш тўхтатилди, дарёларни чўккан ёғочдан тозалаш кучайтирилди.

Яна бир мисол. Москва ҳавоси Европадаги ҳар қандай катта шаҳар ҳавосидан анча тоза. Сўнгги ўн йил мобайнида атмосферани ифлос қилувчи 300 га яқин корхона шаҳардан ташқарига кўчирилди ёхуд реконструкция қилинди, бунинг натижасида шаҳар ҳавосининг ифлосланиши жуда камайди. Ҳаводаги сульфат ангидрид камайтириш учун Москва билан Ленинград электр станциялари таркибида олтингугурт кам бўлган ёқилғи билан ишлашга ўтказилмоқда. Саноат ва уй-рўзғорни газлаштириш пойтахтдаги ҳавони мусаффо қилишда катта роль ўйнаяпти.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, жаҳоннинг бошқа ҳар бир мамлакатидан кўра Совет Иттифоқида каттароқ кўламга эришган марказлашган усулдаги иссиқлик таъминотини ривожлантириш табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ҳамда сув ва айниқса ҳаво ҳавзаларини булғанишдан сақлашда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Ҳалқ хўжалиги тармоқлари ва катта-катта саноат комплексларини жойлаштириш юзасидан яқин йилларга, шунингдек узоқ муддатга мўлжалланган бош схемалар ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий районларни ривожлантириш планлари тузилганлиги табиатни муҳофаза этиш вазифаларини ҳал қилишда ҳам катта аҳамиятга эга. Ана шу планлар территориядан ва унинг табиий бойликларидан рационал фойдаланишни, шунингдек одамларнинг меҳнат, турмуш ва хордиқ чиқариш шароитлари соғлом бўлиши ва яхшиланишини кўзда тутади. Табиий ресурслардан, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан фойдаланишни ҳамда табиатни муҳофаза этиш тадбирларини илмий асосда планлаштириш, принцип жиҳатидан, жамият ишлаб чиқарувчи кучларини муҳит учун безарар ҳолатдагина эмас, шу билан бирга табиий шароитларни яхшилаб борадиган тарада ривожлантиришга ҳам имкон беради.

Сўнгги йилларда Совет Иттифоқида мана шу соҳада катта-катта комплекс тадбирлар ўтказилди. Ерларни мелиорациялаш кенг ривож топди, дарёларнинг оқимини ростлаб туришга имкон берувчи сув омборлари бўлган бир қанча кучли гидро электр станциялар қурилди, балиқ хўжалиги иши яхшиланиб бормоқда, катта-катта майдонлар дарахтзорларга айлантирилмоқда, боя айтиб ўтилгандек, шаҳарлар ва саноат марказларида теплофикация ва газлаштириш ишлари кенг кўламда бажарилмоқда, оқинди сувларни ва саноат тутунларини тозаловчи иншоотлар қурилмоқда. Дўлга қарши кенг кўламда кураш олиб борилмоқда.

КПСС XXIV съезднинг қарорларига биноан халқ хўжалигини ривожлантириш планларида табиатни муҳофаза этиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш юзасидан катта кўламда илмий тадқиқот ва тажриба ишларини ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Совет Иттифоқида шаҳарлар ва саноат марказлари ҳавосининг булғанишини камайтиришга доир бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Газдан тозалайдиган ва чангни тутиб қоладиган ускуналарнинг янги типлари яратилди, бу тадбирлар зарарли ташландиқларни анча камайтиришга имкон беради.

Мамлакатимизда сув ресурсларидан рационал фойдаланиш ва сувларни булғанишдан муҳофаза қилиш соҳасида катта иш қилинмоқда. Халқ хўжалигини сув билан таъминлаш мақсадида бир қанча катта тадбирлар амалга оширилди. Дарёларда оқиб турган 40 куб километр сувни сув ҳавзалари ўртасида қайта тақсимлашни таъминлайдиган жами узунлиги 3.700 километрдан кўпроқ каналлар бунёд қилинди, фойдали ҳажми 400 куб километрга яқинроқ бўлган ва дарёларнинг оқимини тартибга солишга имкон бериб турадиган 200 тадан кўпроқ катта сув омборлари вужудга келтирилди.

Совет Иттифоқида ўрмон фондини кўпайтиришга, ўрмонларни муҳофаза қилишга ва ўрмон ресурсларидан яхшироқ фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Ер куррасидаги жамики ўрмонларнинг бешдан бир қисми ва жаҳондаги дарахт запасларининг тўртдан бир қисми бизнинг мамлакатимизда жойлашган. Ўрмонларда ниначи баргли дарахт турлари кўпроқ бўлганлиги сабабли мамлакат ўрмонлари айниқса катта қимматга эга. Жаҳондаги нина баргли дарахтлардан иборат ўрмонларнинг ярмига яқини СССРда жойлашган.

Мамлакатнинг ўрмон хўжалиги системаси ўрмон ресурсларини қайта етиштириш борасида катта ишлар қилмоқда.

Совет Иттифоқида табиатни ва унинг ресурсларини муҳофаза қилишнинг давлат органлари системасаси таъсис этилган. Бу органларга зарур ҳуқуқлар ва ваколатлар, шу жумладан контрол қилиб туриш ҳамда белгилаб қўйилган қоидаларни бузувчиларга қарши жазо чоралари кўриш ҳуқуқлари берилган. Давлат санитария назорати, сувларни муҳофаза қилиш органи, тоғ назорати, ўрмонларни муҳофаза қилиш органи, балиқларни назорат қилиш ва идоралар кечиктирмай ҳал қилиши лозим бўлган бир қанча проблемаларни айтиб ўтди.

Қишлоқ хўжалик экинзорларидан сув ҳавзаларига тушаётган сувлар ҳозирги вақтда табиий сувларни булғатувчи катта манба бўлиб қолди, деб давом қилди В. А. Кириллин. Бу сувларнинг таркибида экинларни суғориш натижасида эриб сувга аралашиб қолган табиий тузлар, шунингдек қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган ўғит ва заҳарли химикатларнинг қолдиқлари баъзан анча кўпайиб кетади. Заҳарли химикатлар сувларни булғатишнинг энг хатарли туридир.

Балиқчилик хўжалигини ривожлантиришда камчиликлар кўп. Саноатда ва коммунал хўжаликда ишлатилиб чиқарилаётган сувлар етарли равишда тозаланмай сув ҳавзаларини булғатаётганлиги, заҳарли химикатлар ва ўғитлар оқава сувлар билан қўшилиб сув ҳавзаларига оқизилаётганлиги, ёғоч оқизиш чиқиндилари билан дарёларнинг сувлари ифлосланаётганлиги балиқчилик хўжалигига катта талафот етказмоқда.

Кўпгина министрликлар ва идоралар, совет ва хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари, деди ноғиқ, баъзан ерлардан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўймоқдалар ва ерларнинг қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетишига йўл қўймоқдалар. Ер балансси маълумотларига қараганда қишлоқ хўжалигига алоқасиз бўлган мақсадларда фойдаланиш учун ажратиб берилаётган ерларнинг миқдори 1966—1970 йиллар даврида ўрта ҳисобда йилига 2 миллион гектардан ошиб кетган, шуларнинг 466 минг гектари қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар бўлиб, буларнинг 111 минг гектари ҳайдаладиган ерлардан иборат.

Саноат, транспорт ва граждан қурилиши учун ҳайдаладиган ерларни ва бошқа қишлоқ хўжалигига яроқли қимматли ерларни етарли асос бўлмаган ҳолда ажратиб бериш фактлари оз эмас. Баъзи маҳаллий советларнинг ижроия комитетлари бу масалаларга давлат нуқтаи назаридан қарамаётирлар.

Тупроқнинг шамол ва сув эрозияси мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига катта зарар етказмоқда. Тупроқ эрозияси сабабли қишлоқ хўжалиги анча миқдордаги маҳсулотни кам олмоқда.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қабул қилган қарорларга мувофиқ тупроқ эрозиясини йўқотиш мақсадида барча иттифоқдош республикаларда катта ташкилий-хўжалик, агротехника, ўрмон-мелиорация ва гидротехника ишлари ўтказила бошланди. Бироқ бу ишларни бажариш суръатлари старли эмас.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши шароитини яхшилаш ва тупроқнинг унумдорлигини ошириш мақсадида бизнинг мамлакатимизда ерларни мелиорация қилиш ишларининг жуда катта программаси амалга оширилмоқда. Бу программа ерларни суғориш ва захини кетказиш борасида мураккаб ишлар комплексини ўз ичига олади. Шунингдек нордон тупроқларни оҳаклаш ва шўрҳок ерларни гипслаш йўли билан ерларни химиявий мелиорация қилиш борасида ҳам катта ишлар бажарилмоқда. Бироқ, мелиорация қилинган ерларни қишлоқ хўжалик мақсадларида ўзлаштириш орқада қолаётганлиги ва бу ерлардан нотўғри фойдаланилаётганлиги сабабли ўтказилаётган мелиорация тадбирларининг самарадорлиги пасайиб кетмоқда.

Ерлардан тўғри фойдаланиш, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни яхшилаш, мелиорация ишларини ўтказиш ва ерларни эрозиядан муҳофаза қилиш масалалари жуда катта давлат аҳамиятига эга. Бу муҳим ишга алоқадор бўлган ташкилотларнинг ҳаммаси зарур чораларни кўришлари лозим.

Бу чоралар орасида аввало ерларни давлат йўли билан ҳисобга олишни такомиллаштириш, ер кадастрини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, қишлоқ хўжалик ерларидан ҳам, шунингдек қишлоқ хўжалик оборотидан чиқариб олинаётган ерлардан ҳам рационал равишда фойдаланиш учун бўлган жавобгарликни ошириш, ерларнинг иқтисодий самарадорлигига баҳо бериш чораларини айтиб ўтиш мумкин.

Ўрмон хўжалигини юритиш ва ўрмон ресурсларини қайта тиклаб кўпайтириш ишларида жиддий камчиликлар бор. Дарахтлар ўстириб ўрмонзорларга айлантиришга яроқли катта майдонлар фойдаланилмасдан ётибди. Бир қанча районларда ўрмонларни қайта тиклаш мақсадида ўтказилаётган ишларнинг самарадорлиги етарли эмас.

Совет Иттифоқида ҳайвонлар дунёсини сақлаб қолишга қаратилган ва ҳайвонлар дунёсининг ресурсларидан фойдаланишни тартибга солувчи қонунлар мавжуд. Бироқ мамлакатнинг бир қанча районларида бу соҳада қилинаётган ишларнинг аҳволи қониқарли эмас. Ёввойи ҳайвонларнинг яшаш шароити ёмонлашиб бораётганлиги, шунингдек браконьерлик (қонунга хилоф равишда овлаш) натижасида ов ҳайвонларининг ва бошқа жониворларнинг сони камайиб кетмоқда. Ёввойи жониворларни сақлаб қолиш ва улардан тўғри фойдаланиш катта давлат аҳамиятига эга бўлган вазифадир.

Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш умумхалқ ишидир. Бу иш бутун халқ манфаатларини кўзлаб ўтказилаётганлиги билан бирга, бу ишни кенг аҳоли оммасининг иштирокисиз ўтказиш мумкин эмаслиги сабабли ҳам табиатни муҳофаза қилиш умумхалқ ишидир.

Тегишли давлат органлари бу соҳада ўтказилаётган катта ишга, ўсимликлар ва жониворларни браконьерлардан сақлаб қолиш учун ўрмон муҳофазаси, балиқчилик назорати, ички ишлар органлари ходимлари олиб бораётган фидокорона курашни биз юксак даражада қадрлаймиз.

Бироқ шу органларнинг табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини муваффақиятли бажаришлари бутун аҳолининг уларга нақадар кенг ва таъсирчан мадад бериб туришига, барча гражданларнинг табиатни меҳр-муҳаббат билан авайлаб асрашига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Табиатга, табиатни муҳофаза қилиш борасида белгилаб қўйилган қоидаларга риоя қилишга айрим шахслар бегамлик, бепарволик билан қараётганликлари натижасида табиий ресурсларга катта зарар етказилаётгандиги сингари ҳоллар, афсуски, оз эмас. Маълумки, бу йил ўрмон ва торф хўжалигига катта талафот етказган ёнғинлар фақат қурғоқчилик натижасидагина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга ўрмонларда ва торфзорларда ўтга эҳтиётсиз бўлишнинг ҳам натижаси бўлди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, меҳнаткашлар депутатларининг маҳаллий советлари, министрликлар ва идоралар, саноат корхоналари, колхозлар ва совхозлар, жамоат ташкилотлари, деди В. А. Кириллин, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш масалаларига диққат ва эътиборни кучайтиришлари, тупроқнинг, ер юзасидаги сув ҳавзаларининг, ер ости сувларининг ва ҳавонинг булғанишини камайтиришлари, ўсимликларни, ўрмонларни, жониворлар ва ўсимликлар оламини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш учун тадқиқот ишларини кўришлари лозим. Улар ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари ва бошқа табиий бойликлардан тўғри фойдаланиш устидан системали равишда контроль ўрнатишлари лозим. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш тадбирларини барча министрликлар ва идоралар ишлаб чиқиб, халқ хўжалигини ривожлантириш планларининг лойиҳалари билан бир вақтда СССР Госпланига тақдим этишлари лозим. Бу тадбирлар халқ хўжалигини ривожлантириш планларининг таркибий қисми бўлиши зарур.

Табиий муҳит проблемаларини ҳал этишда халқаро ҳамкорлик катта аҳамиятга эга, деди докладчи. Совет Иттифоқи томонидан бутун давр қиёсида ўтказилаётган тадбирлар нечоғлик самарали бўлмасин бу тадбирлар атмосферани, очиқ денгизларни, жаҳон океанини булғанишдан ҳимоя қилиш, масалаларининг бутун комплексини ҳал этишни таъминлаб бера олмайди. Халқаро ҳамкорлик актуаллиги яна шундан келиб чиқаётирки, атроф муҳитнинг булғанишиҳ жаҳоншумул оқибатларга олиб келади, бу оқибатларни фақат ҳамманинг иштироки ва ҳаракати билангина йўқотиш мумкин.

Социалистик давлатлар табиатни муҳофаза қилишга ва табиат ресурсларидан рационал фойдаланишга доир коллектив халқаро тадбирларни ўтказишда ташаббусчи бўлдилар ва бу тадбирларни амалга оширишга биринчилар қаторида киришдилар. Ўзаро иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ҳамкорлигини ва уларнинг социалистик иқтисодий интеграциясини ривожлантиришни янада чуқурлаштириш ва такомиллаштиришнинг 1971 йил июль ойида қабул қилинган комплекс программасида табиатни муҳофаза қилишга ва табиат ресурсларидан рационал фойдаланишга доир бир қанча катта ва планли иш олиб бормоқда. Совет Иттифоқи сув ва овланадиган балиқларни муҳофаза қилиш, ўсимликларни карантин ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича қўшни мамлакатлар билан битимлар тузди.

Маълумки, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида 1972 йил май ойида битим имзоланди.

Уч соҳада ядро қуроли синовини тақиқлаш тўғрисида шартномани ишлаб чиқишда бизнинг мамлакатимиз актив роль ўйнади. СССР денгизларни нефть билан булғатишнинг олдини олиш бўйича халқаро конвенцияни имзолади ва конвенциянинг барча моддаларини бажаришни таъминламоқда.

Маълумки, Совет Иттифоқи халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни, шу жумладан атроф муҳитни ҳимоя қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш масалаларида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш кераклигини ёқлаб чиқмоқда.

Бизнинг ватанимиз, деди пировардида В. А. Кириллин, жуда катта территорияга жойлашган бўлиб, ҳақиқатан афсонавий бойликларга эга. Ер бойликларини, ер ости бойликларини, атроф муҳитни авайлаб сақлаш, муҳофаза қилиш ва шу бойликлардан бутун халқ манфаатини кўзлаб рационал, комплекс равишда фойдаланиш социалистик жамиятнинг бузилмас қонунидир.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ— ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ— ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

Ҳозир барча саноат корхоналарида асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш ва ишлаб-чиқариш қувватларини ошириш юзасидан бошланган ишлар қизғин давом этмоқда.

Кейинги йилларда пойтахтимиздаги бир қатор цех ва участкалар янги техника билан қуролланди, автоматлашган ва механизациялашган поток линияларига эга бўлди. Эски ускуналарни янгилаш ва модернизация қилиш, жараёнларни такомиллаштириш ишлари жадаллашди.

Ўтган йили 70 дан ортиқ цех ва участкадаги технологик жараёнлар комплекс механизациялаштирилди. 2 мингга яқин ускуна модернизация қилиниб, 100 та механизациялашган поток ҳамда автоматик линиялар жорий этилди. Бу тадбирлар ўзининг ижобий самараларини берди. Ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш туфайли саккиз ойлик план топшириқлари муддатидан олдин адо этилди. Планга қўшимча ўнлаб миллион сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари, прицеплар, эҳтиёт қисмлари ва кенг халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,9 процент, меҳнат унумдорлиги эса 4,7 процент ошди.

Шаҳар винокорлари қўлга киритаётган ютуқлар ҳам қувончли бўлмоқда. Ўтган ойларда улар 193 миллион сўмлик капитал маблағларни ўзлаштирдилар. «Хлопкоприбор» заводи, «Шарқ» мебель фирмаси, биринчи ун комбинати каби корхоналарда янги қувватлар ишга туширилди. Ҳамшаҳарларга 241 минг квадрат метр турар-жой, 5300 ўринли мактаб, кўплаб мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ва бошқа маданий-маиший объектлар қуриб берилди.

Шаҳар партия хўжалиги активи йиғилишида «КПСС XXIV съезди қарорлари асосида саноат ва қурилишда илмий-техника тараққиётини тезлаштириш ва ишлаб-чиқариш самарадорлигини ошириш тадбирлари тўғрисида» доклад қилган Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов шонли сана нишонланадиган йилда қўлга киритилаётган ютуқларни алоҳида таъкидлаб ўтди. Айни пайтда у йиғилиш қатнашчилари эътиборини саноатни техника билан қайта қуроллантириш соҳасида йўл қўйилаётган камчиликларга ҳам қаратди.

Докладчи таъкидлаганидек шаҳардаги баъзи бир корхоналарда ишлаб-чиқаришни комплекс механизациялаш ва илм фан ютуқларини жорий этишга эътиборсизлик сезилмоқда. «Союзхлопкомаш» бирлашмаси, «Ўзбексельмаш», 6-темир бетон буюмлари заводлари, устки трикотаж фабрикаси ва бошқа корхоналарда ишлаб чиқариш суст ривожланмоқда.

Кўпгина корхоналарда ишларнинг ўрта ҳисобда учдан икки қисми ҳали тўла механизациялашмаган. «Компрессор», экскаватор, трактор заводларида, енгил ва озиқ-овқат саноатининг қатор корхоналарида юк ортиш ва тушириш, ремонт ишлари ҳамон қўлда бажарилиб келмоқда. Шаҳар партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган бюро йиғилишида «Главташкентстрой» бўлинмаларида қурилишни индустриалаштириш ва техника жиҳатидан юксалтиришга, илғор иш методларини жорий этишга эътиборсизлик қилинаётганлиги танқид қилинган эди. Бу танқиддан барча корхона ва ташкилотлар хулоса чиқариб олишлари лозим.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан Ленин район партия комитетининг биринчи секретари Б. Ғ. Халилов, учинчи қурилиш трестининг бош инженери М. М. Дўстматов, самолётсозлик заводи фрезерчиси В. А. Синдулидзе, Ўзбекистон ССР енгил саноат министрининг биринчи ўринбосари В. С. Скребнев, Киров район партия комитетининг иккинчи секретари Ю. А. Чурсин ва бошқа ўртоқлар ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, илм-фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни кенг қўлланиш, шу асосда ишлаб-чиқариш самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи қимматли таклифларни ўртага ташладилар.

Актив йиғилишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин нутқ сўзлади.

Актив йиғилишида муҳокама қилинган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди.

Йиғилиш ишида область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюро аъзолигига кандидатлар Г. М. Орлов, С. У. Султонова, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари А. Р. Хўжаев, Ўзбекистон КП Марказий Комитети оғир саноат ва машинасозлик бўлими мудири И. Р. Рахматов ўртоқлар иштирок этдилар.

КОЛХОЗДА БИРИНЧИ

«Партия XXII съезди» колхозининг Абдураззоқ Қурбонов бошлиқ бригадаси СССР ташкил топган кунинг 50 йиллигига муносиб меҳнат совғалари тайёрламоқда. Бу аҳил коллектив канон ўримини биринчи бошлаб, мавжуд 18 гектар майдондан пландаги 150 ўрнига 170 центнердан юқори сифатли «қўк олтин» топширди. Бунда Х. Оқмирзаев, М. Хатамов, Т. Бўтаев, Д. Рустамова, П. Бердиқулова каби ишчиларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Бригада аъзолари пахта теримини ҳам биринчилар қатори бошлаб юборишдилар. Дастлабки кунда М. Бўтаева, И. Жониқулова, М. Оқмирзаевалар хирмонга 80—90 килограммдан «оқ олтин» тўкишди.

Пахтанинг 75 процентини «зангори кема»лар билан териб оламиз— дейди А. Қурбонов.

А. НОДИРОВ,
М. МИРЗАЕВ.

Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг механизаторлари теримни бошлаб юборишдилар. Совхозининг илғор механизатори Неъматжон Ўрунов бу йил «зангори кема» бункеридан 350 тоннадан ортиқ пахта тўкишга аҳд қилган. Суратда: Н. Ўрунов.

Нури Тошева ҳар куни 120—150 килограммдан пахта термоқда. У Янгийўл районидаги Охунбобоев номли колхозининг пешқадам теримчиларидан бири ҳисобланади. Мавсумда 8 тоннадан ортиқ пахта териб бермоқчи. Суратда: Н. Тошева.

А. АБАЛЯН фотолари.

ПЕШҚАДАМ ТЕРИМЧИЛАР

Эрта тонгдан оппоқ пахтазорда меҳнат қизғин тус олади. Этак тутган теримчилар бирин-кетин эгатларга тушиб, лўпин-лўпин пахталарни тера бошлайдилар.

Мамлакат билан Бувисора бугун ҳам одатдагидек барвақт келишди. Икки дугона бир-бири билан мусобақалашиб, ҳар куни 150—200 килограммдан пахта теришга аҳд қилишган. Улар ҳар куннн ғаниматдек билиб, терим суръатини оширмоқдалар.

Пахтазорда Мамлакат Салимова, Гулсара Умаралиева қаторида Малика Бадиева ҳам пешқадамлик кўрсатмоқда. Бу чевар теримчилар мавсумда 8 10 тоннадан пахта теришга сўз беришган.

Янгийўл районидаги Охунбобоев номли колхозда пахта терими шундай қизғин тус олмоқда. Пахтакорлар бу йил ҳар гектар ердан 35 центнердан ошириб ҳосил йиғиб олишга аҳд қилганлар. Шунинг учун ҳам ҳар куни қабул пунктига йиллик планнинг 2—3 процентн миқдорида пахта топширилмоқда.

О. ХУДОЕРОВ.

„ЗАНГОРИ КЕМА"ЛАР ЖАВЛОН УРГАНДА

Мана пахтани машина билан теришга киришилганига уч кун бўлди. Кенг адрдаги пахтасини бригаданинг пайкалида иш авжига чиқиб кетди. Эрта тонгдан ярим тунгача «зангори кема»ларнинг ҳайқириғи тинмайди.

Пайкалнинг бир томони пастликка, яна бир томони асфальт йўлга туташиб кетган. Комбайнлар ана шу ердаги лўппи-лўппи очилган «оқ олтин»ларни тезкорлик билан термоқдалар. Уватларда саф тортган прицеплар соат сайин тўляпти.

«Оқ олтин» комбайнларининг деярли ҳаммаси бир юришда тўрт қатордаги пахтани териб, бункерларга жойлаштирмоқда. Бригадада иш группа усулида ташкил этилган. Етти «зангори кема» бирин-кетин пайкал оралаб, пахтани териб олгач, кейин бошқа пайкалга тушяпти. Олдинги сафда вимпел тақиб олган «зангори кема» кетяпти. Унинг ҳаракати бошқаларга нисбатан илдам. Ҳаммамиз унинг ҳаракатини кузата бошладик. Колхоз партия комитетининг секретари Мусахон Маматқулов изоҳ бера бошлади:

— Бу кема капитани билан ҳар қанча мағрурлансак арзийди. Доим ҳаракатда, ҳеч тиниб-тинчимайди. Дастлабки кундан бошлаб олдинги маррани эгаллаб олди. Кундалик мусобақада ғолиб чиқиб, кўчма вимпел ва пул мукофотини олди.

Партком секретари Сафарали Соатовнинг тракторчилар оиласидан чиққанлигини ҳам алоҳида қайд қилди. Унинг турмуш ўртоғи Тожи Соатова ҳам — илғор механик-ҳайдовчи. Иккиси ҳар йили пахта териб, улкан ютуқларни қўлга киритишяпти. Тожихоннинг ғайрати билан кўп қишлоқ қизлари тракторчилик касбини эгаллаб олдилар. У ҳам нариги участкада пахта териб, кундалик нормани икки баробардан бажяпти.

«Оқ олтин» териб олинган карталарга назар ташлаймиз. Чаноқларда чигитлар қолмаган. Карталар топ-тоза. Айниқса, эрта тонгда терилган майдонлардаги карталар ичида сочилиб ётган пахталарни кўрмадик.

Механик-ҳайдовчилар агрегатларнинг равон ишлашига ҳаракат қилишяпти. Ҳамма кўп пахта териб, биринчиликни эгаллашга ҳаракат қиляпти. Бригада бошлиғи Мусурмонқул Машоров буерда янги одам: бошлиқ бўлиб тайинланганлигига бир йил ҳам бўлганича йўқ. Ўзи механизатор, агар бирор машина тўхтаб қолдими, тракторчиларнинг ёнига ўтириб олиб, агрегатнинг ишларини ангачага кузатиб боради.

«Зангори кема»лар бирин-кетин пастликдан ўрмалаб чиқишмоқда. Бункерни бўшатиб бўлганлар эса, дала шийпони томон тушлик овқатга боришяпти. Катта йўлдан эса Жаббор Салмонов, Кўчан Ҳусанов каби тракторчилар «оқ олтин»га тўлган уч тўртта прицепни Чиғириқ тайёрлов пункти томон олиб кетишмоқда.

Тушлик овқат ҳам тамом бўлди. Терим комбайнларининг кучли моторлари ҳаракатга келиб, яна «оқ олтин» денгизида сузе бошлади. Ана, шоферлар ҳам пунктдан қайтиб келишяпти. Уларнинг юзларида табассум, қувончлари чексиз: терилган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинибди. Тракторчилар тушлик овқатгача кимнинг қанчадан пахта жўнатганлиги ҳақидаги справкани келтиришди,

Терим ярим тунгача давом этди...

Акмал Икромов номли колхоз аъзолари Ўрта Чирчиқ районида ғўзани биринчи бўлиб дефолиация қилишга киришамиз, деган эдилар. Шундай ҳам қилишди. Теримга районда биринчи бўлиб тушишга сўз беришганди, уддасидан чиқишди. Энди колхозчилар планимизни ҳам биринчи бўлиб бажарамиз, дейишмоқда.

— Машина терими, — дейди колхоз раиси Холтурсун Пўлатов, — иш унуми. Биз шунга яраша терим ишларини қайта қурдик. 1010 гектар пахта майдонидан 900 гектарини ёки яппи ҳосилнинг 80 процентини машиналар билан теріб оламиз. Шунга яраша терим машиналари унумли ишлаяпти. Яқин кунлар ичида биз суръатга яна суръат қўшамиз. Кунига йиллик планнинг етти-етти ярим проценти миқдорида пахта топшириб, маррага етамиз.

Колхозда ҳосил мўл: ҳар гектар ердан биринчи теримнинг ўзидаёқ 18—20 центнердан хирмон кўтарилаяпти. Кўп бригадалар дастлабки теримнинг ўзиданоқ планни бажаришга ҳаракат қилишяпти.

М. ҒОЗИЕВ.

ПАХТАЗОРДАН РЕПОРТАЖ

Орадан кўп вақт ҳам ўтмади. Сафарали бункердаги пахтасини прицепга ағдариб, пайкалга қайтди. Биз ундан сўрадик:

— Кунига неча мартадан картанг у бошидан бу бошига бориб келишга улгурясиз?

— Ўн мартадан.

— Бункердан бир кунда тўккан пахтангиз неча килограммга тўғри келяпти?

— Дефолиация сифатли ўтказилган. Пахта чамандек очилиб ётирти. Ҳар ўн қатордан терилган пахта бир бункерга жой бўляпти. У 850 килограммданга тўғри келаётир.

— Демак, бир кунлик пахтангиз 8500 килограмм экан-да!

— Ҳа, бу ҳали мўлжал эмас. Эрта-индин 9500 килограммдан пахта термоқчиман.

ОБЛАСТНИНГ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА СУТ ЕТИШТИРИШ ВА ҲАР БИР СИГИРДАН ЎРТАЧА СУТ СОҒИБ ОЛИШ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 1 СЕНТЯБРГАЧА БУЛГАН МАЪЛУМОТ

Хўжаликлар	Районлар	1 июн сигирдан соғиб олинган сут 1972 йил	1971 йил билан 1972 йил ўртасидаги тафовут.	Сут ишлаб чиқариш, тонна хисобида 1972 йил	1971 йил билан 1972 йил ўртасидаги тафовут
КОЛХОЗЛАР					
«Ўз ССР 40 йиллиги	Калинин	2980	+591	736	+141
Карл Маркс номли	Калинин	2683	+948	545	+134
«Политотдел»	Юқори Чирчиқ	2435	+152	1782	+139
«Октябрь 40 йиллиги»	Бўка	2403	+841	240	+88
«Ленинизм»	Янгийўл	2323	+187	534	+109
«Ленин йўли»	Калинин	2247	+301	398	+ 50
Дмитров номли	Оққўрғон	2229	+411	892	+156
Свердлов номли	Юқори Чирчиқ	2190	+123	1058	+ 91
«Ленинский путь»	Юқори Чирчиқ	2182	+ 62	720	+ 56
Калинин номли	Калинин	2107	+ 59	489	+ 34
«Ўзбекистон»	Оржоникидзе	2021	+465	1387	+410
Ильич номли	Калинин	2009	+492	368	+ 49
«Правда»	Юқори Чирчиқ	2005	+221	1289	+ 92
«Победа»	Оққўрғон	1920	+111	265	+ 3
Охунбобоев	Калинин	1898	+830	418	+ 47
«Октябрь»	Оржоникидзе	1865	+141	464	+ 37
Войтинцов номли	Оққўрғон	1843	+446	241	+ 69
Свердлов номли	Оққўрғон	1821	+190	508	+ 30
Ҳамза номли	Оққўрғон	1802	+319	407	+ 69
«Полярная Звезда»	Ўрта Чирчиқ	1787	—135	459	+ 5
С. Раҳимов номли	Калинин	1780	+204	362	+ 29
Навоий номли	Калинин	1750	+ 1	418	—
«XX партсъезд»	Калинин	1716	+309	230	+ 26
Карл Маркс номли	Юқори Чирчиқ	1705	+ 76	392	+ 59
«Ленинград»	Оққўрғон	1996	+321	448	+ 87
«Октябрь 40 йиллиги»	Янгийўл	1680	+172	234	+ 50
«Коммунизм»	Бўка	1661	+178	115	+ 20
«Москва»	Калинин	1652	+407	172	+ 35
«Коммунизм»	Янгийўл	1651	— 26	349	+ 5
Карл Маркс номли	Ўрта Чирчиқ	1650	+161	211	+ 40
«Заря коммунизма»	Оққўрғон	1645	— 36	365	— 37
Ленин номли	Калинин	1633	—150	268	+ 36
Калинин номли	Пискент	1629	+182	197	+ 29
«Ленинобод»	Юқори Чирчиқ	1620	+ 30	318	+ 16
«Ўзбекистон»	Юқори Чирчиқ	1613	+103	678	+ 68
«Интернационал»	Янгийўл	1605	— 23	202	+ 23
«Ленин йўли»	Юқори Чирчиқ	1598	+218	257	+ 15
Киров номли	Янгийўл	1594	+216	209	+ 33
«Партия XXII съезди»	Ўрта Чирчиқ	1573	+376	126	+ 16
«Қизил октябрь»	Янгийўл	1570	+ 49	228	+ 7
Куйбишев номли	Оққўрғон	1566	+317	144	—11
Ленин номли	Оржоникидзе	1551	+ 33	608	+ 92
Ленин номли	Оққўрғон	1542	+143	432	+ 33
Фрунзе номли	Янгийўл	1529	+ 11	229	+ 12
Энгельс номли	Оққўрғон	1523	+156	356	+ 25
«Маданият»	Оржоникидзе	1523	+ 62	391	+ 20
Ниёзов номли	Янгийўл	1509	+ 17	267	+ 9
Ленин номли	Пискент	1501	+150	228	+ 28
Турсунқулов номли	Янгийўл	1494	+133	365	+ 57
Навоий номли	Янгийўл	1482	+370	153	+ 42
Киров номли	Оққўрғон	1475	+315	66	+ 24
Охунбобоев номли	Ўрта Чирчиқ	1468	+120	226	—
К. Маркс номли	Бўстонлиқ	1461	— 64	199	+ 2
«Коммунист»	Оржоникидзе	1450	+ 27	309	—
К. Маркс номли	Оққўрғон	1441	+295	121	+ 22
«Ленинобод»	Бўка	1433	+282	107	+ 16
Ленин номли	Янгийўл	1431	+ 83	431	+ 3
«Ленинобод»	Оққўрғон	1427	+393	257	+ 50
Киров номли	Оржоникидзе	1421	— 51	429	— 13
Жданов номли	Бўстонлиқ	1413	+ 13	259	+ 15
Калинин номли	Оққўрғон	1396	+372	117	+ 21
Калинин номли	Юқори Чирчиқ	1396	+309	271	+ 34
Ленин номли	Ўрта Чирчиқ	1395	+110	169	+ 25
«Северний маяк»	Ўрта Чирчиқ	1390	+ 5	374	+ 19
«Озод»	Оққўрғон	1371	+166	171	+ 11
Ленин номли	Бекобод	1369	+152	341	+ 59
Энгельс номли	Ўрта Чирчиқ	1365	—211	206	+ 12
«Коммуна»	Юқори Чирчиқ	1362	+185	394	+ 48
«Москва»	Оққўрғон	1361	+254	159	+ 27
Энгельс номли	Юқори Чирчиқ	1358	+201	260	+ 17
«Гулистон»	Юқори Чирчиқ	1356	+142	372	+ 68
«Москва»	Янгийўл	1345	+175	120	+ 3
«Гулистон»	Пискент	1326	+231	244	+ 47
А. Икромов номли	Ўрта Чирчиқ	1309	+167	115	+ 13
«Правда»	Оржоникидзе	1304	+ 24	440	—5
Ильич номли	Бўка	1298	+433	136	+ 42
Калинин номли	Янгийўл	1297	— 21	217	—5
«Ленинизм»	Оққўрғон	1296	+107	123	+ 23
Фрунзе номли	Бўка	1291	+191	137	+ 26
«Гулистон»	Оққўрғон	1289	+ 51	175	+ 9
Фрунзе номли	Бўстонлиқ	1288	+ 9	238	— 41
«Партия XXII съезди»	Оққўрғон	1277	+207	146	+ 12
Оржоникидзе номли	Калинин	1273	—379	242	— 69
Энгельс номли	Янгийўл	1273	+226	103	+ 9
Жданов номли	Янгийўл	1266	—134	160	— 4
Куйбишев номли	Калинин	1266	— 4	168	— 14
«Қизил ту»	Бўстонлиқ	1263	+ 27	231	+ 21
«Партия XX съезди»	Бўка	1262	+432	104	+ 36
«Коммунизм»	Бекобод	1257	+221	147	+ 14
Ҳамид Олимжон номли	Оққўрғон	1253	+157	153	+ 35
«Коммунизм»	Ўрта Чирчиқ	1252	+233	128	— 2
«Ленинград»	Бўстонлиқ	1245	+137	225	+ 33
Охунбобоев номли	Янгийўл	1244	+195	332	— 69
«Ленин йўли»	Бўка	1244	+107	173	+ 17
Куйбишев номли	Ўрта Чирчиқ	1238	+ 90	218	+ 32
Навоий номли	Бекобод	1238	+ 57	209	— 23
Темирязев номли	Бўка	1235	+108	79	+ 17
Карл Маркс номли	Бўка	1234	+528	88	+ 31
Охунбобоев номли	Пискент	1227	+119	238	+ 36
«Партия XIX съезди»	Бўка	1219	+129	128	+ 24
Ҳамза номли	Бўка	1214	+102	205	+ 28
Терешкова номли	Ўрта Чирчиқ	1209	+201	99	+ 20
Мичурин номли	Бўка	1204	+ 34	142	+ 12
Навоий номли	Оққўрғон	1180	—102	107	+ 1
Карл Маркс номли	Янгийўл	1174	+208	129	+ 6
«ЎзССР 30 йиллиги»	Янгийўл	1163	+143	196	+ 34
Свердлов номли	Ўрта Чирчиқ	1144	+ 62	184	+ 25
Свердлов номли	Пискент	1140	+140	230	+ 34
Тельман номли	Пискент	1113	+125	128	+ 5
«Победа»	Бекобод	1108	+ 82	202	+ 34
Охунбобоев номли	Оққўрғон	1084	+ 88	106	+ 14
Дзержинский номли	Бекобод	1073	+ 29	337	+ 22
«Қозогистон ССР 30 йиллиги»	Бўстонлиқ	1060	— 8	274	+ 11
Калинин номли	Бўстонлиқ	1052	—119	132	— 18
Калинин номли	Ўрта Чирчиқ	1020	—107	161	+ 10
«Коммунизм»	Оққўрғон	943	+ 13	106	— 1
Жамбул номли	Бўка	919	+192	85	+ 25
С. Раҳимов номли	Янгийўл	901	+65	98	— 4
«Партия XXI съезди»	Янгийўл	885	— 17	110	+ 7
«Ленинизм»	Бўка	879	+ 90	105	+ 7
СОВХОЗЛАР					
«Москва»	Калинин	2620	+2620	13	+ 13
«Чиноз»	Янгийўл	2560	—108	3275	— 55
Волков номли	Оққўрғон	2454	+2454	108	+108
«Ўзбекистон ССР беш йиллиги»	Оққўрғон	2308	+299	1115	+ 48
«Олмазор»	Янгийўл	2200	+284	172	+ 22
«Галлақудуқ»	Оҳангарон	2174	+145	170	+ 24
«Ўзбекистон» паррандачилик фабрикаси	Калинин	2128	+288	228	+ 40
«Химик»	Оржоникидзе	2118	+ 92	422	+ 71
«Ўрта-Сарой»	Ўрта Чирчиқ	2055	+ 37	487	— 98
«Дурмон»	Оржоникидзе	1961	— 50	147	+ 16
1-«Кибрай»	Оржоникидзе	1904	— 59	194	+ 13
«Қуйи Чирчиқ»	Оққўрғон	1903	+ 78	318	+ 28
1-«Оҳангарон»	Оҳангарон	1896	+ 47	1250	+ 16
2-«Далварзин»	Бекобод	1877	+ 91	681	+102
«Келес»	Калинин	1835	— 66	253	— 17
7-«Паркент»	Юқори Чирчиқ	1808	+ 30	280	+ 10
«Бўка»	Бўка	1793	+300	515	+ 43
«Юқори Чирчиқ»	Юқори Чирчиқ	1765	+172	261	+ 27
«Партия XXI съезди»	Калинин	1732	—125	343	— 73
1-«Далварзин»	Бекобод	1709	+ 41	682	—140
«Дамачи»	Калинин	1688	+ 74	245	+ 27
1-«Пискент»	Пискент	1678	+ 28	656	+ 24
2-«Назарбек»	Калинин	1672	+229	149	+ 45
«Партия XXIV съезди»	Янгийўл	1670	+599	135	+ 30
1-«Оққўрғон»	Оққўрғон	1642	+ 9	630	+ 11
У. Юсупов номли комбинат	Янгийўл	1629	+368	479	+ 35
«Қорасув»	Калинин	1618	—356	290	+ 33
Тошкент наслчилик совхози	Оҳангарон	1614	— 63	901	—154
2-«Пискент»	Пискент	1570	+148	526	+ 76
С. Сегизбоев номли	Оққўрғон	1529	+124	468	+ 28
«Бўзсув»	Калинин	1511	+204	369	+ 6
1-«Назарбек»	Калинин	1502	+162	475	+ 73
«Коммунизм»	Оққўрғон	1446	+382	317	— 6
Ойбек номли	Бекобод	1388	+ 74	200	+ 19
3-«Оҳангарон»	Оҳангарон	1382	— 7	500	+ 40
14-«Хўжакент»	Бўстонлиқ	1380	+182	818	+ 48
Боғдорчилик совхози	Пискент	1361	+289	136	+ 39
1-«Тошкент»	Калинин	1355	+ 43	267	— 1
Серго номли	Оҳангарон	1347	+1347	132	+132
«Тошкент»	Калинин	1305	—317	48	+ 4
2-«Оҳангарон»	Оҳангарон	1234	+213	450	+ 62
3-«Далварзин»	Бекобод	1220	+190	147	+ 53
«Кўкорол»	Бўка	1207	— 61	198	— 8
«Олмалиқ»	Оҳангарон	1183	— 15	339	+ 19
«Октябрь 50 йиллиги»	Бекобод	1182	—180	143	+ 1
2-«Тошкент»	Калинин	1176	—305	228	— 7
Свердлов номли	Янгийўл	1169	— 84	392	— 41
4-«Оҳангарон»	Оҳангарон	1143	+ 20	543	— 19
13-боғдорчилик совхози	Бўстонлиқ	1067	+171	622	— 24
«Ленинград»	Бекобод	900	+ 86	165	+ 17
4-«Далварзин»	Бекобод	549	+549	72	+ 72

СТУДЕНТЛАР ОРКЕСТРИ

Тошкент политехника институти факультети базасида ташкил топган автомобил йўллари институтида ўқув-тарбия ишлари уюшқоқлик билан бошлаб юборилди. Олий ўқув юрти ҳали янги бўлишига қарамай, бу ерда студентлар билан ишлашнинг турли форма ва методларидан кенг фойдаланилмоқда.

Аввал студентларнинг «Гулдаста» ҳаваскорлик ансамбли тузилган эди. Яқинда яна бир ҳаваскорлик коллективи ўз фаолиятини бошлайди: студентлар оркестри «Октава» деб номланди.

Спорт

Чарм қўлқоп чемпионлари

Тошкентдаги округ офицерлар уйи паркида республикамиз чарм қўлқоп усталарининг қизғин баҳслари беш кун давом этди. Қўнғилли спорт жамиятларининг терма командалари составида Ўзбекистоннинг энг кучли 74 боксчиси бор эди. «Спартак» жамияти вакиллари ҳаммадан яхши қатнашдилар ва команда биринчилигини қўлга киритдилар. Иккинчи ўринни динамочилар, учинчи ўринни «Буревестник» вакиллари олдилар.

Ўз вазн тоифаларида номдор боксчилар яна чемпионлик фахрий номига сазовор бўлишди. Булар динамочи Ҳикмат Муталов, Владимир Кудряков, Рафиқ Галиулин, Николай Хуторянец, Руфат Рихсиев, спартакчи Алик Ли, Степан Насриддинов, Николай Савельев, Михаил Жунандов ва Ҳолмат Содиқов ҳамда армиячи Александр Шиловлардир. Шуниси характерлики, 11 чемпиондан тўққиз киши Тошкент вакиллари ҳисобланади.

БИР ЙЎЛА ОЛТИ МАСТЕР

Фарғона областининг Фарғона районидаги Ленин номли колхоз республикамиз чавандозларини қабул қилиб олди. Бу ерда 10-17 сентябрь кунлари от спорти бўйича катталар ва ўсмирлар ўртасида Ўзбекистоннинг шахсий-команда чемпионати бўлиб ўтди. Тошкент шаҳри чавандозлари мусобақага ҳаммадан ҳам яхши тайёргарлик кўрганликлари маълум бўлди. Улар катталар ва ўсмирлар мусобақасида ҳам биринчиликни олишди. Областимиз чавандозлари эса катталар ўртасида иккинчи, ўсмирлар ўртасида тўртинчи бўлдилар.

Шуниси қувончлики, чемпионат давомида олти киши СССР спорт мастери нормативларини бажарди. Улар Тошкент шаҳри ва области командаси составидаги Владислав Шестаков, Николай Нарикин, Алихон Азизов, Диловар Темиркая, Анатолий Усов ва Сергей Сайфуллиндир.

„СОҒЛОМЛИК" СПАРТАКИАДАСИ

Чирчиқ шаҳридаги «Химик» стадионида учинчи шаҳар «Соғломлик» спартакиадаси очилди.

Спартакиадада шаҳар саноат корхоналарининг ветераналари иштирок этмоқда. Химия комбинатининг 46—55 ёшлардаги ишчи ва хизматчилари спартакиадада муваффақиятли қатнашяпти. Улар спортнинг уч тури бўйича бўлган мусобақаларда ғолиб чиқишди.

Шунингдек, 30—40 ёшдаги химиклар волейбол командаси биринчи ўринда кетяпти. Теннисчилар, городкичилар ҳам олдинда боришмоқда.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

СССРда таёрланган телефонлар

СОФИЯ, 18 сентябрь. (ТАСС). Социалистик Болгариянинг пойтахти София кундан-кунга кенгайиб, ободонлашиб бормоқда, шаҳар билан биргаликда унинг телефон шаҳобчаси ҳам кенгаймоқда. Кўчаларга ўрнатиладиган телефон-автоматлар телефон шоҳобчасининг муҳим ажралмас қисми ҳисобланади. Ҳозир Болгария пойтахти аҳолиси 1800 та автомат хизматидан фойдаланади ҳамда улар орқали кунига 130 минг марта гаплашади.

Болгария Халқ Республикаси информация ва алоқа министрлигининг қарорига биноан шаҳарда янги нусхадаги дастлабки кабиналар ўрнатилди. Ойна ва алюминийдан тайёрланган бу кабиналар абонентни кўча шовқинидан батамом ҳоли қилади ва юксак акустик сифатларга эга. Уларга Совет Иттифоқида тайёрланган янги телефон аппаратлари ўрнатилган. Яқин кунлар ичида София кўчаларида Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган автоматлардан 400 таси ўрнатилади.

АМЕРИКАЛИК УЧТА УЧУВЧИ ОЗОД ҚИЛИНДИ

ХАНОЙ, 18 сентябрь. (ТАСС). Бу ерда Вьетнам Демократик Республикаси осмонида турли вақтларда уриб туширилган америкалик учта учувчини озод қилиш маросими бўлиб ўтди. АҚШ учувчилари М. Гартли, Н. Чарльз ва Э. Элиас ўз нутқларида Вьетнам Демократик Республикаси халқи ва ҳукуматига инсонпарварлик билан муомалада бўлганликлари учун ва Вьетнам халқи уруш даҳшатларини бошидан кечираётган бир даврда уларни озод қилганлиги учун чуқур миннатдорчилик изҳор этдилар.

Америка халқи билан бирдамлик Вьетнам комитетининг секретари Буи Тхи Кам Ханойга махсус учиб келган тинчлик ва ҳаққонийликни ҳимоя қилиш халқ коалицияси Америка делегациясига учувчиларни топширишини эълон қилди. Делегация вакили Кора Вейс бундай деди: «Учувчиларимизнинг озод қилинишини хурсандчилик билан ва тўлқинланиб кутиб олдик. Биз зиммамизга юкланган жавобгарчиликни ҳис этамиз». «Барча асирларни қайтариб олишнинг ягона воситаси—бу урушни тўхтатишдан иборат, деб таъкидлади у».

Учувчиларни озод қилиш маросимида М. Гартлининг онаси ва Н. Чарльзнинг хотини иштирок этди.

Американинг учта учувчиси Вьетнам Халқ армияси Бош сиёсий бошқармасининг буйруғига мувофиқ озод қилинди.

ЛИВАН АРМИЯСИ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

БАЙРУТ, 18 сентябрь. (ТАСС). Ливан армиясининг қўмондонлиги қуйидагиларни хабар қилди. Ливан территориясига бостириб кирган Исроил қўшинлари мамлакатнинг жанубий районларини ташлаб чиқиб кетдилар. Ливан армиясининг қаттиқ қаршилигига дуч бўлган Исроил агрессорлари кеча кечқурун қўлларида ушлаб турган сўнгги пунктлар — Бинт-Жбейль ва Айтарун пунктларидан кетишга мажбур бўлдилар.

Матбуотда эълон қилинган дастлабки маълумотларга кўра, Ливан граждан аҳолиси ўртасида юздан кўпроқ киши ўлдирилган ва яradор қилинган. Оккупацияларнинг ҳаракатлари натижасида 150 га яқин уй, қўприк, йўллар вайрон қилинган.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ. Куангчи ҳимоячилари жангдан бўш пайтларида ҳузурларига меҳмон бўлиб келган бадиий ҳаваскорлар ансамблининг чиқишларини катта қизиқиш билан қарши олишади. Санъаткорлар ватанпарварларни ўз қўшиқлари билан жасоратга ундайди. Суратда: ҳаваскорлар ватанпарварлар ҳузурида концерт кўрсатишмоқда.

ВИА—ТАСС фотоси.

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА ТАЙЁРГАРЛИК

ҒАРБИЙ БЕРЛИН, 19 сентябрь. ТАСС мухбири Е. Башмашников хабар беради.

Ғарбий Берлиндаги Германия—Совет дўстлиги жамияти ғоят муҳим тарихий воқеа — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тузилганлигининг 50 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда жамият раиси Рольф Элиас. Биз Совет Иттифоқининг барча иттифоқчи республикалари, барча халқлари ленинча миллий сиёсат Тинчлик ва дўстлик сиёсати асосида эркин ривожланаётганлигини кўрсатишга интилмоқдамиз. Биз Ғарбий Берлин аҳолисининг мумкин қадар кенгроқ доираларини совет воқелиги билан, СССР халқларининг эришган муваффақиятлари билан таништириш мақсадида шаҳардаги турли ташкилотлар билан боғландик.

Р. Элиас сўзини давом эттириб бундай деди: чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Совет жамиятлари иттифоқи ёрдамида ташкил этилаётган Совет маданияти кунлари СССРнинг шонли юбилейига бағишланган энг асосий тадбир бўлади. Совет маданияти кунлари 1 ноябрда бошланади.

С. САЛОМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БАЙРУТ, 18 сентябрь. (ТАСС). Ливан бош министри С. Салом Ливан армияси мамлакатнинг бир қанча районларидан жанговар отрядларини олиб кетишни талаб қилиб, Фаластин партизанларига ғўё ультиматум берганлиги тўғрисида ғарб агентликлари тарқатган хабарларни рад этди. «Ливан билан Фаластин ўртасидаги муносабатлар илгаригидек яхшилигича қолаверади ва биз бу муносабатларни доимо мустаҳкамлашга интиламиз», — деди С. Салом.

«Бундай ультиматум берилган эмас ва берилмайди ҳам,— деб таъкидлади бош министр, — бизнинг ўз ўртамизда яшаётган фаластинликлар билан муносабатимиз дўстона, қардошларча ва мустаҳкам ҳамкорлик муносабатларидир».

ПХЕНЬЯНДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ПХЕНЬЯН, 18 сентябрь. (ТАСС). Бу ерда Корея Халқ Демократик Республикаси қизил крест жамияти Сеулдан қайтиб келган делегацияси ўтказган матбуот конференциясининг материаллари эълон қилинди. Сеулда шимолий ва жанубий Корея қизил крест жамиятлари ўртасида олиб борилаётган музокараларнинг иккинчи мажлиси бўлган эди.

Корея Халқ Демократик Республикаси қизил крест жамияти делегациясининг бошлиғи Ким Тхэ Хи бундай деди: Делегация ўз зиммасига юкланган вазифани бажарди ва иккинчи мажлисда, музокараларнинг шундан аввалги даврасида муваффақиятлари мустаҳкамланди.

Ким Тхэ Хи Корея Халқ Демократик Республикаси делегацияси асосий музокараларнинг шундан кейинги босқичларида яхши натижаларга эришишга ва бу билан мамлакатни бирлаштириш учун замин тайёрлашда ёрдам беришга кучғайрат сарфлаш учун қарор берганлигини айтди.

ЗИЁКОРНИНГ БАХТИ

Бу камтарин, жонкуяр зиёкорни кўпинча жамоатчилик ўртасида учратасиз. Гоҳ, у отаоналар даврасида бўлиб, бола тарбияси ҳақида мазмунли суҳбат ўтказаётган, гоҳ ўқитувчилар йиғилишида сўзлаётган, дала шийпонларида колхозчиларга лекция ўқиётган бўлади. Ҳамма жойда уни илиқ қарши олишади.

Ҳа, Аъзам ака Аҳмедов бундай ҳурмат-эътиборга касбкорига бўлган ихлоси, бурчга садоқати туфайли эришди. Аъзам ака асли педагог. Шу шарафли касбнинг бошини тутганига 35 йилча бўлиб қолди. Бу орада моҳир педагогнинг қўлида қанча ўғил-қиз таҳсил кўрмади, дейсиз! Уларнинг орасида донгдор кишилар: олимлар, шифокорлар, кўплаб топилади.

Чиндан ҳам у мураббийликдан бахт топганлардан. Ҳалол меҳнати ва маориф соҳасидаги хизматлари эвазига унга «Халқ маорифи аълочиси» деган ном берилди. У бир неча медаллар нишондори.

... Унинг илк меҳнат фаолияти собиқ Тошкент қишлоқ районида бошланган эди. Ўшанда у катта ёшдагилар мактабида ўқитувчи бўлиб ишларди. Сал ўтмай, уни шу мактабнинг илмий бўлим мудири қилиб тайинлашди.

Улуғ Ватан уруши бошланиб қолди. Ёш педагог кўплар қатори Улуғ Ватан ҳимоясига отланди. Уруш йиллари ҳам ўтиб кетди. У яна севимли касбида ишлай бошлади. Педагогик маҳоратини тинмай ошира борди.

1950 йилда Калинин районидаги «Москва» совхозида очилган янги мактабнинг жонкуяр ташкилотчиларидан бири бўлди, Аъзам ака. Сўнг ўқув-тарбия ишларини янада яхшилаш мақсадида уни шу райондаги 47-мактабга ишга юборишди. Кейинчалик 40-мактабга директор бўлди.

Мана бир неча йилдирки, моҳир педагог Калинин районидаги 43-мактабнинг директори. Мактабда таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Бу мактаб район мактаблари ўқитувчиларининг тажриба алмашиш даргоҳига айланиб қолди. Ҳар сафар йиғилишларда директор бой тажрибалари билан ўртоқлашади.

Ҳалқ маорифи аълочиси жамоат ишларида ҳам актив қатнашмоқда. У Калинин район партия комитетининг идеология ишлари бўйича штатсиз инспекторидир. Ленин номли қишлоқ Советининг аъзоси сифатида ҳам кўпгина ишларни амалга оширди.

— Маорифчилар Аъзам ака Аҳмедов билан фахрланадилар, — дейди Калинин район халқ маорифи бўлимининг мудири М. Умаров. — Жонқуяр педагог ўқув-тарбия ишларини шу куннинг талаблари даражасида бўлишини таъминлаш мақсадида қатор янгиликларни ишга солди. Мактабда тўлиқ ўзлаштиришга эришишнинг ташаббускорларидан бири бўлиб чиқди. Ҳурматли ўқитувчимиз 50 ёшга тўлди. Шу қутлуғ кун билан биз маориф ходимлари уни чин юракдан муборакбод қиламиз...

А. АЛИЕВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11-уй).

МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ПРОГРАММАДА: РСФСР халқ артисти НЕМЧИНСКАЯ — ҳавода ўйновчи гимнастикачи; эксцентриклар, ҳалқада ўйновчи гимнастикачилар, велосипедчи фигурачилар, жонглёрлар, акробатик этюдлар.

«АЙИҚЛАР ЎЙИНИ»

Ўргатувчи — янги цирк асарлари Бутуниттифоқ кўригининг лауреати Михаил СИМОНОВ.

Шимолий Осетия халқ артисти Х. КАНТЕМИРОВ раҳбарлигида «ХАСАНБЕК» — Осетиялик йигитларнинг чиқиши, ўргатилган сигирлар, эчкилар ва программанинг бошқа номерлари.

Узбекистон ССР халқ артисти АКРОМ ЮСУПОВ, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ЭРКИН ТОШКЕНБОЕВ ва ЮРИЙ ДОЛГОВ раҳбарлигидаги

МАСҲАРАБОЗЛАР ГРУППАСИ

Томошалар кечқурун соат 8 да бошланади: шанба кунлари — кундуз соат 3 ва кечқурун 8 да; якшанба кунлари — кундуз соат 12, 3 ва кечқурун 8 да.

Олдиндан билет сотиш кассаси ҳар куни кундуз соат 12 дан очиқ.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОНТОРАСИ

„ОЛОВНИНГ БЎЙСУНДИРИЛИШИ"

(2 серия)

номли янги кенгформатли, рангли бадиий фильмни кинотеатр экранларига чиқарди

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

Сценарий муаллифи ва постановкачи режиссёр — Даниил Храбровицкий.

Ролларда: Кирил Лавров, Ада Роговцева, Игорь Горбачёв, Игорь Владимиров, Андрей Попов, Иннокентий Смоктуновскийлар қатнашадилар.

ФИЛЬМ ИНСОНИЯТ ТАРИХИДА ЯНГИ ЭРАНИНГ БОШЛАНИШИ ЖАҲОНДА БИРИНЧИ БУЛИБ СУНЪИЙ ЕР ЙЎЛДОШИНИНГ УЧИРИЛИШИ ВА КОСМОНАВТИКАНИНГ КЕЛАЖАКДАГИ ТАРАҚҚИЁТИ, МАТОНАТЛИ ВА ЖАСУР КИШИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.

ФИЛЬМДА АКАДЕМИК КОРОЛЕВ ВА ЮРИЙ ГАГАРИННИНГ ПРО-ОБРАЗЛАРИ КЎРСАТИЛГАН.

Ҳурматли кино шайдолари, Сизни бу фильмни томоша қилишга таклиф қиламиз.

Фильмни томоша қилганлар роҳатланиб ва қониқиб чиқадилар.

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 дан — **Москва кўрсатади**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — **Кўрсатувлар программаси,** 18.00 — Болалар учун, **«Миша ва унинг дўстлари»** (кўгирчоқ фильм, ўзбек тилида).

Рус тилида: 18.50 — **«Ахборот»** информацион программаси, 19.10 — **«Хатларингизга жавоб берамиз»** (киноочеркатув).

Ўзбек тилида: 20.10 — **Уч минут музика,** 20.20 — **«Ахборот»** информацион программаси, 20.40 **Қозоғистонда бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадаси қатнашчиларининг ҳисобот концерти,** 22.50 — **Узимизникилардан бири.** (бадиий фильм, рус тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.40 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.20 — **«Қидирув давом этади»** (ҳужжатли фильм), 18.40 — **Реклама ва эълонлар.**

18.50 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 22.00 — **Врач маслаҳати,** 22.20 — **Адабий ўқиш.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ЎҚУВ ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида: 19.00 — **Эстетика асослари.** 8—10 синф. «Ҳаётда ва санъатда гўзаллик», 19.40 — **Тарих.** 9—10 синф. Ўзбекистонда ишчилар харакатининг дастлабки қадамлари, 20.20 — **«Ирина БОГАЧЕВА куйлайди»** (фильм-концерт, рус тилида), 21.15 — **Тошкент янгиликлари** (ўзбек ва рус тилларида), 21.25 — **«Аннична»** (бадиий фильм, рус тилида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/IX да **Оққуш кўли,** 21/IX да **Флория Тоска,** 22/IX да **Тановор.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/IX да **Қонли сароб,** 21/IX да **Парвоз,** 22/IX да **Ой тутилган тунда.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Москва Давлат цирки артистларининг гастроллари** (кеч соат 8 да). Шанба кунлари: кундуз соат 3 ва кеч 6 да; якшанба кунлари: кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да томоша кўрсатилади.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Оловнинг бўйсундирилиши — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (кундуз соат 3 ва кеч 8.45 минутда).

Бахтга йўл — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «КУКЧА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (кундуз соат 12 ва кеч 6 да), «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 1, 5, кеч 6 ва 8 да), «МОСКВА» (кундуз соат 11 ярим ва 5.20 минутда).

Туманлар қирғоғи — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда) «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 11, 3, 4 ва кеч 9 да).

Она муҳаббати — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Эркак ва аёл — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Яшасин муҳаббат — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Озод туғилган — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Калит — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Анжелика ва қирол; Анжелика — фаришталар маликаси — «МОСКВА» (кундуз соат 2 ва кеч 8.40 минутда).

ЕЗГИ БИНОДА

Туманлар қирғоғи — «ФЕСТИВАЛЬ».

Шамоллар соҳили — «ХИВА».

«Узсантехгазмонтаж» трестининг

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

(Педагогическая кўчаси, 75-уй)

Тошкент шаҳрида ва Тошкент областида (ишнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиш характери учун 30 процент қўшимча ҳақ тўланади) **ишлаш учун инженерлар; прораб ва мастерлар лавозимига техник-сантехниклар; слесарь-сантехниклар, электр пайвандчилар, шоферлар, автослесарлар, газ пайвандчилар**

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй. Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган 4 ойлик курсларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқувчилар троллейбус ва трамвайларда пул тўламай юрадилар.

Мурожаат учун адрес Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 28-уй.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») —орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор— 836495. Редактор ўринбосарлари— 835885, 837916. Масъул секретарь—834808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари—831936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими—833786. Партия гурмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари—835811. Қишлоқ хўжалиги, фан, маданиёт ва олий ўқув юртлари бўлимлари—839050. Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими—837045. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими—гача. Коммутатор — 830249 дан 830259 бўлими — 839142 834048. Эълонлар

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 15309. ИНДЕКС 64697. Б. 1841.